

Улуҳият – илоҳга иймон келтириш масаласи (бешинчи мақола)



11:30 / 27.04.2020 2674

Асарда муаллиф бир қатор ақидавий масалаларни муолажа қилади. Уларнинг асосийлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Имом Мотуридий жавҳарларнинг ҳодис – пайдо бўлганини Аллоҳнинг борлигига далил деб қарайди. У киши жавҳарларнинг ҳодис эканини уч восита ила исботлайди:

1. Хабар воситаси ила. Аллоҳ таоло башариятга пайғамбарларга ваҳий қилиш орқали бу оламнинг яратгувчиси ва тадбирини юритгувчи Парвардигори эканини хабар қилган. Пайғамбарларнинг чиндан Аллоҳнинг элчиси экани мўъжизалар билан тасдиқланган.

2. Ҳис орқали. Оламдаги барча нарса бошқага муҳтож ва бу унинг бошқа тарафидан яратилган эканини билдиради. Масалан, жонзотлар ўзининг қачон, қандай яратилганини билмайди ва ҳатто ўзидаги бузилишни тўғрилашдан ожиз. Бу ҳолат ўликларда ҳам, жонсиз ашёларда ҳам мавжуд.

3. Ақл билан. Маълумки, барча махлуқотларда ўзгариш бор. Ўзгариш воқе бўладиган ҳар қандай нарса махлуқ, яъни яратилган бўлади.

Имом Мотуридий Аллоҳ таолонинг исму сифатларига, уларнинг буюклигига борлиқнинг ўзи далолат қилади, дейди. Борлиқдаги гўзаллик, тартиб-интизом, ажойиботлар бу оламнинг яратувчиси чексиз қудрат ва улуғвор сифатларга эга эканини билдиради. Бироқ, бу сифатлар махлуқлардаги сифатлардек эмас, ўзига хос, ўхшаши йўқдир, фақат уларни инсон зеҳнига яқинлаштириш учун башарга маълум бўлган сўзлар билан ифодаланган. Бу борада **«У Зотга ўхшаши йўқдир»** (*Шуро сураси, 11-оят*) ояти барча тавсифларга асос бўлади.

Аллоҳ таолонинг барча сифатлари азалий бўлиб, бунда зотий сифатлар билан феълий сифатлар орасида фарқ йўқ. Аллоҳ таолонинг исм-сифатлари тавқийфийдир, яъни фақат ваҳий билан билинади. Қуръон ва Суннатда келган барча исм-сифатларга иймон келтириш вожиб.

Имом Мотуридийнинг ибораларидан шуни англаймизки, сийғаси ўзи сифатни англатган исмлар «зотий исмлар» дейилади. Масалан, Ҳайй – тирик, Олим – билувчи, Қодир – қодир, қудратли, Раҳмон – меҳрибон... Аммо ушбу сўзларнинг масдари, яъни тусланмаган шакли эса «зотий сифатлар» деб аталади. Масалан, Ҳаёт, Илм, Қудрат, Раҳмат каби.

Имом Мотуридий «салбий сифатлар» деган истилоҳ орқали Аллоҳ таолони махлуқларга ўхшатишни ҳамда ажзу нуқсонни англатадиган маъноларни нафий қилади.

Имом Мотуридий барча жисмлар махлуқ эканидан келиб чиқиб, «жисм» сўзини Аллоҳга нисбатан ишлатиб бўлмаслигини таъкидлайди ва бунга ақлий, нақлий ҳамда ҳиссий далилларни келтиради. Шунга кўра, Аллоҳ таолога «жисм» сўзини ишлатиш мутлақо жоиз эмас, «бошқа жисмларга ўхшамайдиган жисм», дейиш ҳам мумкин эмас, дейди. Зеро, жисм сўзини Аллоҳга нисбатан қўллашга бирорта шаръий насс – Қуръон ва Суннатда далил йўқ. Шунингдек, Аллоҳ таолога ақлли, зийрак, уқувли деган сўзларни нисбат бериш ҳам худди «жисм» сўзи каби жоиз эмаслигига

уммат иттифоқ қилган.

Аллоҳ Таолонинг исмлари тавқийфий экан, У Зотга «шайъ» (нарса) сўзини айтса бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: **«Айт: «Қайси нарса энг катта гувоҳликдир. Аллоҳ деб айт!»** (Анъом сураси, 19.оят.) Аммо бунда ҳам танзиҳ устувор бўлади.

Имом Мотуридий қуйидаги мавзулар хусусида алоҳида баҳс юритади:

1) Субутий сифатлардан бўлган «Калом» сифати ва унинг қадим ёки махлуқлиги ҳақида. У киши Калом Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидан эканини айтади.

2) Қиёмат кунида Аллоҳ таолони кўриш масаласи. Аллоҳ таолони кўриш бу дунёдаги кўриш каби бўлмасли ва бинобарин, Аллоҳни бу дунёда кўриб бўлмаслиги, аммо охиратда мўминлар У Зотни кўриши муқаррар эканига ақлий ва нақлий далил келтирилади. Аммо бу кўриш ҳам ихота билан бўлмаслигини таъкидлайди ва ҳақиқатини Аллоҳга тавфиз этади.

3) Қуръон оятларига кўра, Аллоҳ таоло Аршга истиво қилган деб биламиз. Бироқ, уни бирор маънога чекламаймиз. Аллоҳ таоло бор, макон йўқ эди. У Зот азалда қандай ягона Зот бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай, ҳеч қандай махлуқларга муҳтож эмас. Бу борада асарда қуйидагиларни ўқиш мумкин:

«Аллоҳ таоло макон йўқ пайтда ҳам бор эди. Маконлар йўқ бўлиб кетиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо У Зот қандай бўлса, ўшандайдир. Ҳозир қандай бўлса, ўшандай эди. У Зот ўзгаришдан, заволдан, ботилликдан устундир. Биз бу ҳақда танзилда – Қуръонда келган нарсани айтамыз ва унинг таъвилида қатъий гап айтмаймыз, чунки бошқа маънонинг ҳам эҳтимоли бор. Биз Аллоҳ ирода қилган нарсага иймон келтирамыз. Танзил (Қуръон) ила собит бўлган ҳар бир нарса ҳам шунга ўхшаш».

4) Банданинг амалини Аллоҳ яратиши, Аллоҳ таолонинг иродасини бандаларнинг бажарадиган феълларга таъсир кўрсатиши ҳақида.

5) Ирода сифатининг қазо ва қадарга нисбатан тушунилиши ҳақида.

6) Аллоҳни кўриш ҳақидаги хабарлар ҳам муташобеҳ ҳисобланиб, у ҳақда ҳам танзиҳ, яъни Аллоҳ таолога нолойиқ билинган ҳолатларни инкор қилинади.

Бир сўз билан айтганда, Имом Мотуридий асарда Исломдаги фирқалар ва ундан ташқари турли оқимларга раддия берар экан, соф аҳли сунна

ақийдасини баён қилади.

(Давоми бор)

Тўртинчи мақоланинг ҳаволаси

<https://islom.uz/maqola/13706>

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

05.03.2020